6.8. “Истеъмолчи”нинг ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассалари орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. “Таъминотчи” тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100% миқдорда олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агарда “Истеъмолчи” икки ҳафта ичида тўловларни амалга оширмаса, “Таъминотчи” Бюро билан ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни қарзларни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ “Истеъмолчи” зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини “Истеъмолчи”лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари” ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун “Истемолчи”ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар оширилувчи коэффицент миқдор тартибида ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобларнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобга олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида “Истеъмолчи” ёзиладиган эътирозонома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирозонома “Истеъмолчи”ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суд тартибида кўрилади ва бартараф этилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VIII. ФОРС – МАЖОР

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади, ёки тарафлардан бири бўлмиш истеъмолчи етказиб берувчини огоҳлантирган ҳолда, тўловларни тўлиқ тўлаган кунига қадар амал қилади.

## X. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

| “ТАЪМИНОТЧИ” | “ИСТЕЪМОЛЧИ” |
|---|---|
| Манзил | Манзил Бозатау район БОСМ Бердау гузари № 019 |
| Тел: ____, факс ____ | Тел: ____, факс ____ |
| ғаз/х-р | ғаз/х-р 23402000 300100001010. |
| Банк | Банк Ташкент центр. |
| Банк ____ коди ____ | Банк ____ коди 00014. |
| СТИР | СТИР — |
| ХҲТУТ | ХҲТУТ — |
| Шахсий рақам | Шахсий рақам 10002286035209708 |
| Шахсий х-р | Шахсий х-р 361024 5001. |
| Банк | Банк — |
| Банк коди | Банк коди |
| СТИР | СТИР 207114464. |
| (ғазначилик бўлинмаси номи) | (ғазначилик бўлинмаси номи) |
| Раҳбар ____ (Ф.И.Ш.) | Раҳбар Хожамуратов Б. (Ф.И.Ш.) |
| ____ (имзо) | ____ (имзо) |
| «___» ____ 20___й. | «___» ____ 20___й. |
| М.Ў. | М.Ў. |

"QORAQALPOQ SUV TA'MINOTI" MCHJ
BO'ZATOV TUMANI FILIALI
Юридик шахслар х/р: 2263 8000 9005 0371 7538
АТИБ "ИПОТЕКА БАНК" Нукус шахри
МФО: 00621, ИНН: 200357143
ОКЭД: 36000, Тел:(95) 601-01-31
E-mail: bozatau.suw@umail.uz

Ҳуқуқшунос: Э. Туреев (имзо) (Ф.И.Ш)